



## **ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI**

2023 йил «14» июнь

№ ПФ–94

### **Маъмурий ислохотлар доирасида транспорт соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–14-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

#### **1. Қуйидагилар:**

Транспорт вазирлиги фаолиятининг устувор йўналишлари 1-иловага мувофиқ;

Транспорт вазирлиги тизимидаги муассасаларни қайта ташкил қилиш дастури 2-иловага мувофиқ;

Транспорт вазирлигининг ташкилий тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

Транспорт соҳасини рақамлаштиришнинг устувор йўналишлари 4-иловага мувофиқ;

Транспорт соҳасини тубдан ислоҳ қилиш бўйича “йўл харитаси” 5-иловага мувофиқ;

Транспорт вазирлигининг хусусий секторга ўтказиладиган функциялари рўйхати 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

#### **2. Транспорт вазирлиги тузилмасида қуйидагилар:**

Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси ҳамда Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси негизида **Транспорт вазирлиги ҳузурида Транспорт назорати инспекцияси** ташкил этилсин ҳамда унга Транспорт вазирлигининг **269** та штат бирлиги ўтказилсин;

Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль транспорти ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти ҳамда Ўзининг темир йўлларига эга бўлган юридик шахсларнинг темир йўл транспорти ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш маркази негизида таълим муассасаси шаклида **Транспорт вазирлиги ҳузурида Транспорт соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти** ташкил этилсин;

“Ўзавтотранстехника” илмий-ишлаб чиқариш маркази” ДУК “**Транспорт илмий-тадқиқот маркази**” МЧЖ этиб қайта ташкил этилсин;

**Транспорт вазирлиги ҳузурида** ходимларининг умумий чекланган сони 36 штат бирлигидан иборат бўлган **давлат муассасаси шаклидаги ягона интегратор “Рақамли транспорт” маркази** ташкил этилсин.

Белгилансинки, “Рақамли транспорт” маркази Давлат бюджети ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади. Бунда, **2024 йилдан бошлаб** Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан **ҳар йили 20 млрд сўм** маблағ ажратилади.

**3.** Белгилансинки, Транспорт вазирлиги амалдаги вазифалари ва функциялари билан бир қаторда:

автомобиль йўллари ва йўл хўжалиги масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари, шунингдек, Халқаро муҳандислар-консультантлар федерацияси (FIDIC) амалиёти ва ҳужжатлари асосида автомобиль йўллари ва йўл хўжалиги соҳасидаги техник жиҳатдан тартибга солишга доир норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади;

автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш ва такомиллаштириш истиқболларини белгилайди, автомобиль йўлларини ривожлантириш давлат дастурларини шакллантиради;

йўл хўжалиги соҳасида инвестиция ва давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

йўл хўжалиги соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар рўйхатини тасдиқлайди ҳамда ушбу ҳужжатлар лойиҳаларини Транспорт вазирлиги ҳузуридаги илмий-техник кенгашда кўриб чиқади.

**4.** Белгилансинки:

**а) Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт назорати инспекцияси** автомобиль, темир йўл, сув, электр транспорти, метрополитен ва йўл хўжалиги соҳаларида назорат функцияларини амалга оширувчи республика ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланади;

**б) Транспорт назорати инспекциясига қуйидаги вазифалар юклатилади:**

автомобиль, темир йўл, сув, электр транспорти ва метрополитенда ташиш хавфсизлигини таъминлаш юзасидан ўз ваколати доирасида давлат назоратини амалга ошириш;

автомобиль йўллари ва сунъий иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлашда шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган автомобилда халқаро ташишларни амалга ошириш шартларига риоя этилишини назорат қилиш;

юк ва йўловчиларни ташишда ҳайдовчиларнинг ҳамда локомотив бригадалари ишчиларининг меҳнат ва дам олиш режимини назорат қилиш;

республика ҳудудида (Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктлари бундан мустасно) автотранспорт воситаларининг рухсат этилган вазн ва габарит параметрларига риоя этилишини назорат қилиш;

темир йўл инфратузилмаси объектлари ва ҳаракат таркибини рўйхатдан ўтказиш орқали уларни ҳисобга олиш ва ягона реестрни юритиш;

**в) Транспорт назорати инспекциясига ўз вазифаларини амалга ошириши учун қуйидаги ваколатлар берилади:**

автомобилда юк ва йўловчи ташиш, темир йўл, сув, электр транспорти, метрополитен ҳамда йўл хўжалиги соҳасида маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чораларини қўллаш;

автотранспорт воситасида юк ва йўловчилар ташиш қоидаларининг бузилиши визуал кузатув ёки махсус мослама ёрдамида аниқланганда, автотранспорт воситасини юк ва йўловчи ташишни назорат қилиш бўйича стационар ва мобил постларда текшириш учун тўхтатиш.

**5. Қуйидаги назорат тадбирларини Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг рухсатисиз, уни хабардор қилмасдан, “хавфни таҳлил этиш” тизимини қўлламаган ҳолда (молиявий-хўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда) амалга оширишга рухсат этилсин:**

**Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги** томонидан фуқаро авиацияси ташкилоти ва корхоналарида парвозлар хавфсизлигига риоя этилиши юзасидан Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ИКАО) стандартларида белгиланган режали ва тўсатдан текширувлар ўтказиш;

**Транспорт назорати инспекцияси** томонидан автомобиль транспортида юк ва йўловчиларни ташиш қоидаларига риоя этилишини ташиш жараёнида рейдлар ўтказган ҳолда назорат қилиш.

Белгилансинки, Транспорт назорати инспекцияси Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор қилиб, “хавфни таҳлил этиш” тизимини қўлламаган ҳолда темир йўл транспортида ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги, юк ва йўловчиларни ташиш қоидалари ҳамда йўл қурилиши объектларида қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилиши бўйича текширувларни ўтказди.

#### **6. Транспорт вазирлигига:**

Ўзбекистон Республикаси билан автомобилда халқаро ташишлар соҳасида халқаро шартномалар мавжуд бўлмаган хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан ўзаро келишилган шартларда юкларни автомобилда халқаро ташишга рухсатномалар айирбошлаш;

халқаро транспорт хизматлари бозорида миллий манфаатларни ҳимоя қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришда хорижий давлатларнинг ташувчиларига юкларни автомобилда халқаро ташишга рухсатномаларнинг миллий ташувчилар эҳтиёжидан ортиқчасини реализация қилиш ҳуқуқи берилсин.

**7. Белгилансинки, Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги** амалдаги вазифалари ва функциялари билан бир қаторда:

авиация маъмурияти ваколатлари доирасига кирадиган фуқаро ва экспериментал авиация ҳаво кемалари парвозларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикасининг авиация қоидаларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти стандартларини Ўзбекистон Республикаси авиация қоидаларига татбиқ этиш бўйича қарор қабул қилади;

Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти стандартлари (SARPS/PANS/SUPPS) ва Ўзбекистон Республикаси авиация қоидалари амалиёти ўртасидаги сезиларли фарқларни аниқлайди ва Ўзбекистон Республикаси Аэронавигация маълумотлари тўпламида эълон қилиш тартибини ишлаб чиқади ва амалга оширади.

**8. Миллий транспорт коммуникациялари орқали халқаро ва минтақавий транзитни ривожлантириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда мамлакатнинг транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсадида 7-иловага мувофиқ таркибда Ўзбекистон Республикаси транзит салоҳиятини ривожлантириш идоралараро кенгаши** ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси транзит салоҳиятини ривожлантириш идоралараро кенгашининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

миллий транспорт коммуникациялари орқали транзит ташувларини ошириш ҳамда йўлбўйи инфратузилмасини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

республика ҳудуди бўйлаб ўтувчи транзит йўлакларининг рақобатбардошлигини ошириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

транзит билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни халқаро нормалар ва талабларга мувофиқлаштириш, транзит тартиботларини янада такомиллаштириш бўйича ваколатли давлат органлари ва ташкилотларига асослантирилган таклифлар киритиш.

**9.** Ташқи ишлар вазирлиги Транспорт вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** Ўзбекистон Республикасининг Хитой Халқ Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Озарбайжон Республикаси, Эрон Ислом Республикаси ва Латвия Республикасидаги элчихоналарида транспорт масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимини жорий этиш чораларини кўрсин.

**10.** Вазирлик ва идоралар **2023 йил якунига қадар** ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этган ҳолда давлат хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган транспорт соҳасига оид электрон маълумотлар алмашинувини ташкил этиш мақсадида 8-иловага мувофиқ идоравий ахборот тизимлари ва ва маълумотлар базасини Транспорт вазирлигининг ахборот тизимлари билан интеграция қилсин.

**11.** Транспорт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2023 йил 1 сентябрга қадар** жамоат транспортида ташувлар сифатини яхшилаш ва хизматлар жозибадорлигини ошириш ҳамда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш мақсадида **ташувчилар рейтингини жорий этиш** юзасидан қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

**12.** Давлат активларини бошқариш агентлиги Транспорт вазирлиги ва Тошкент шаҳри ҳокимлиги билан биргаликда **бир ой муддатда** Транспорт назорати инспекциясини маъмурий ислохотлар доирасида бўшаётган биноларга беғараз жойлаштиришни таъминласин.

**13.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 9-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

**14.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг марказий аппарати тузилмасига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги ПҚ–4705-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**15.** Транспорт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

**16.** Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб транспорт вазири И.Р. Махкамов белгилансин.

Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**



**Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри

## Транспорт вазирлиги фаолиятининг устувор йўналишлари

Қуйидагилар Транспорт вазирлиги фаолиятининг устувор йўналишлари ҳисобланади:

**а) интеграциялашган ягона транспорт тизими шакллантирилишини инобатга олган ҳолда иқтисодиёт ва аҳолининг транспорт хизматларига бўлган эҳтиёжларини максимал даражада қондиришга йўналтирилган ягона давлат йўл-транспорт сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;**

**б) транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини ташкил этиш;**

**в) жамоат транспорти тизимини комплекс ривожлантириш, транспорт хизматлари сифати, оммабоплиги ва хавфсизлигини таъминлаш, аҳолининг жамоат транспортдан фойдаланиш даражасини ошириш чораларини кўриш;**

**г) транспорт ва логистика хизматлари бозорини ривожлантиришни рағбатлантириш, уларнинг барча тоифадаги истеъмолчилар учун оммабоплигини таъминлаш, шунингдек соҳага инвестицияларни жалб этишга йўналтирилган мувозанатлашган тариф сиёсатини олиб бориш;**

**д) транспорт хизматлари бозорида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, мулкчилик шаклидан қатъи назар транспорт корхоналари фаолият юритишида тенг шароитларни яратиш чораларини кўриш;**

**е) республиканинг транзит сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, миллий транспорт тизимининг жаҳон транспорт тизимига интеграциясини чуқурлаштириш, логистика тизимини такомиллаштириш;**

**ж) транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш ва мамлакат инвестициявий жозибадорлигини ошириш, шунингдек, давлат дастурларини шакллантирган ҳолда автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш ва такомиллаштириш истиқболларини белгилаш;**

**з) фойдаланувчилар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда самарали транспорт инфратузилмасини ривожлантиришнинг комплекс ечимларини ишлаб чиқиш;**

**и) транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида давлат назоратини амалга ошириш, фуқаро авиацияси ва экспериментал ҳаво кемаларидаги ҳалокатлар ва бахтсиз ҳодисалар, шунингдек, метрополитен, темир йўл ва сув транспортидаги авариялар ҳамда ҳалокатлар бўйича текширувларни ташкил этиш ва амалга ошириш;**

**к) транспорт тизимини рақамлаштириш ҳамда соҳага илғор ахборот технологияларини жорий этиш ҳисобига транспортнинг барча турларини интеграция қилиш ҳамда фойдаланувчилар учун интерактив хизматлар кўламини кенгайтириш;**

**л) транспорт ва йўл хўжалиги соҳасидаги халқаро ва ҳудудий ҳамкорликни ривожлантириш ҳисобига халқаро транспорт хизматлари бозорида Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларини таъминлаш;**


**м) жорий ва истиқболли эҳтиёжларни инобатга олган ҳолда таълимнинг замонавий инновацион усул ва стандартларини тизимли равишда жорий этиш, транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш.**

**Транспорт вазирлиги тизимидаги муассасаларни қайта ташкил этиш  
дастури**

Т/р	Қайта ташкил этилаётган ташкилотнинг амалдаги тўлиқ (расмий) номи	Ташкил этилаётган ташкилотнинг таклиф қилинаётган тўлиқ (расмий) номи	Ташкил этилаётган ташкилотнинг фаолиятига оид қоидалар ва изоҳлар
1.	Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси.	Негизида Транспорт вазирлиги ҳузуридаги <b>Транспорт назорати инспекцияси</b> ташкил этилмоқда.	<b>Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт назорати инспекцияси:</b> а) автомобиль, темир йўл, сув, электр транспорти, метрополитен ҳамда йўл хўжалиги соҳаларида назорат функцияларини амалга оширувчи республика ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланади;
2.	Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси.		б) автомобиль, темир йўл, сув, электр транспорти, метрополитенда ташишлар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда йўл хўжалиги бўйича қонунчилик ҳужжатларига риоя этиш юзасидан ўз ваколати доирасида давлат назоратини амалга оширади. <b>Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт назорати инспекцияси</b> фаолиятини ташкил этиш масалалари <b>Вазирлар Маҳкамаси қарори</b> билан белгиланади.

3.	Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль транспорти ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти.	Негизда Транспорт вазирлиги ҳузурида таълим муассасаси шаклида <b>Транспорт соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти</b> ташкил этилмоқда.	Транспорт соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти автомобиль, темир йўл, ҳаво, дарё ва электр транспорти, метрополитен, шунингдек, йўл хўжалиги соҳалари кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича таълим муассасаси ҳисобланади. Транспорт соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти фаолиятини ташкил этиш масалалари <b>Вазирлар Маҳкамаси қарори</b> билан белгиланади.
4.	Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Ўзининг темир йўллариغا эга бўлган юридик шахсларнинг темир йўл транспорти ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш маркази		
5.	Транспорт вазирлиги ҳузуридаги “Ўзавтотранстехника” илмий-ишлаб чиқариш маркази” ДУК	Транспорт вазирлиги ҳузуридаги <b>“Транспорт илмий-тадқиқот маркази” МЧЖ</b> этиб қайта ташкил этилмоқда.	<b>Транспорт вазирлиги ҳузуридаги “Транспорт илмий-тадқиқот маркази” МЧЖ</b> транспорт соҳасида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш, илмий тадқиқотлар, тажриба-синов, лойиҳалаш ва экспертиза ишларини ўтказиш, стандартлаш, сертификатлаштириш ва транспорт тизимини моделлаштириш ишларини амалга оширади ва бошқа тижорат хизматларини кўрсатади. Транспорт вазирлиги ҳузуридаги “Транспорт илмий-тадқиқот маркази” МЧЖ фаолияти ўрнатилган тартибда тасдиқланадиган Устав билан белгиланади.

### Транспорт вазирлигининг ташкилий тузилмаси



*\*) Заруратга кўра транспорт вазири буйруғи билан юридик шахс ташкил этмаган ҳолда ташкил қилинади ва тугатилади ҳамда Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармаси томонидан молиялаштирилади.*

## Транспорт соҳасини рақамлаштиришнинг устувор йўналишлари

Қуйидагилар транспорт соҳасини рақамлаштиришнинг устувор йўналишлари ҳисобланади:

а) рақамли технологияларни қўллаган ҳолда республика ичида йўловчи ва юк оқимини ўрганиш орқали транспортнинг барча турларини ўз ичига олувчи **Республика транспорт моделини** ишлаб чиқиш;

б) транспортнинг барча турлари ҳаракатини ҳамда йўловчи ва юк ташиш қоидаларига риоя этилишини **онлайн кузатиш тизимини** яратиш;

в) транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида маълумотларни йиғиш, сақлаш ва таҳлил қилиш имкониятини берувчи **“Big Data” технологиясини жорий этиш** ҳамда уни транспорт хизматлари билан боғлиқ вазирлик ва идоралар билан интеграция қилиш;

г) халқаро юк ташувларида **инновацион технологияларни (e-Permit, e-CMR) жорий** этиш ҳамда хорижий/кўп томонлама рухсатномаларни миллий ташувчилар орасида тақсимлаш ва фойдаланиш жараёнларини тўлиқ автоматлаштириш;

д) транспорт соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишда **давлат-хусусий шериклик асосидаги лойиҳаларини** амалга ошириш;

е) транспорт хизматлари фойдаланувчиларига қулайликлар яратиш ва шаффофликни таъминлаш мақсадида, **транспорт соҳасида кўрсатиладиган электрон хизматлар улушини** ошириш;

ж) транспорт тизими **корхоналари фаолиятига ахборот технологияларини кенг жорий этиш ишларини мувофиқлаштириш** ҳамда транспорт соҳасидаги рақамлаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, мониторингини амалга ошириш ва идоралараро мувофиқлаштириш;

з) транспорт хизмати фойдаланувчилари билан қайта алоқа ўрнатиш, транспорт соҳасидаги ислоҳотларни кенг жамоатчиликнинг таклиф ва эътирозлари асосида амалга ошириш мақсадида **“Менинг транспортим” мобил иловасини ишга тушириш.**

**Транспорт соҳасини тубдан ислоҳ қилиш бўйича  
“йўл харитаси”**

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
<b>I. Транспорт соҳасида тизим ташкилотлари ва соҳа корхоналарини трансформация қилиш ҳамда давлат бошқарувини самарали ташкил этиш</b>				
1.	Транспорт соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти фаолиятини ташкил қилиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2023 йил июль	Транспорт вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
2.	Транспорт назорати инспекцияси фаолиятининг ҳуқуқий механизмларини белгилаш. Бунда: Транспорт вазирлигининг Темир йўл транспортида авария ва ҳалокатларни текшириш бошқармаси, Автомобиль ташувларини назорат қилиш бошқармаси, Дарё транспорти бўлими ҳамда ҳудудий бошқармаларнинг автомобилда ташишлар хавфсизлигини таъминлаш бўлинмаларининг вазифа ва функциялари ҳамда ваколатлари Транспорт назорати инспекциясига ўтказилиши;	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2023 йил июль	Транспорт вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	<p>Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси ҳамда Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекциясининг вазифа ва функциялари ҳамда ваколатлари Транспорт назорати инспекциясига ўтказилиши; илғор хорижий тажриба асосида Транспорт назорати инспекцияси фаолиятини ташкил этиш назарда тутилади.</p>			
3.	<p>Темир йўл транспорти соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ қилиш. Бунда: темир йўл транспорти хизматларини кўрсатишда хусусий секторга тенг ҳуқуқли шароитлар яратиш орқали рақобат муҳитини ривожлантириш; тариф сиёсатини такомиллаштириш ва уни шаффофлигини таъминлаш; бизнес-жараёнларни рақамлаштириш ва автоматлаштириш; соҳадаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш назарда тутилади.</p>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2023 йил август	Транспорт вазирлиги, Стратегик ислоҳотлар агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
4.	<p>Қуйидагиларни назарда тутувчи Фуқаро авиацияси соҳасида давлат сиёсатини юритиш концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш:</p>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2023 йил август	Транспорт вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
	<p>авиаташувлар бозорида рақобат муҳитини ривожлантириш мақсадида барча резидент авиакомпаниялар учун авиақатновларни амалга ошириш ва инфратузилмадан фойдаланишда тенг шароитлар яратиш;</p> <p>резидент авиакомпанияларга халқаро рейсларни амалга оширишда маҳаллий йўналишларда ҳам парвозларни бажариш амалиётини жорий этиш;</p> <p>маҳаллий авиақатновлар учун субсидия ажратишнинг мавжуд тизимини хусусий резидент авиакомпанияларга ҳам кенг татбиқ этиш орқали йўловчиларга арзон нархларда авиаташув хизматларини кўрсатиш ва ички авиаташувлар сонини кўпайтиришни рағбатлантириш;</p> <p>парвозлар географиясини кенгайтириш, республикамизга хорижий сайёҳлар оқимини ошириш ва авиация бозорини либераллаштириш мақсадида, “очиқ осмон” режими ва ҳаво эркинлигини қўллаш учун халқаро меъёрларга мувофиқ авиация ҳукуматлари ўртасида келишувга эришиш ҳамда резидент авиакомпаниялар манфаатларини инобатга олган ҳолда тенг ҳуқуқли имкониятлар яратиш;</p>			

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	республика аэропортларида йўловчилар эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ноавиацион хизмат турларини кенгайтириш учун зарур шароитлар яратиш.			
5.	Ўзбекистон Республикаси орқали транзит юк ташиш ҳажмини ошириш бўйича Миллий транзит стратегиясини ишлаб чиқиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2023 йил декабрь	Транспорт вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
6.	Транспорт назорати инспекциясининг ваколлати доирасида транспортда юк ва йўловчи ташишни назорат қилишни кучайтириш чораларини кўриш ҳамда маъмурий ишларни кўриб чиқиш ваколлатини Транспорт назорати инспекциясига ўтказиш юзасидан қонун ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.	Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаси	2023 йил октябрь	Транспорт вазирлиги, Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
7.	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига қўйидагиларни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритиш бўйича қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш: вагон ва контейнерларни харид қилишга йўналтирилган тўғридан-тўғри инвестициялар учун Солиқ кодексига назарда тутилган тўғридан-тўғри хусусий чет эл инвестициялари иштирокидаги юридик шахслар учун қўлланиладиган имтиёزلарни татбиқ этиш;	Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаси	2023 йил октябрь	Транспорт вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
	хусусий операторларни вагонлардан ижара асосида фойдаланиш бўйича тузилган шартномалар доирасида қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод қилиш.			
8.	Халқаро молия институтлари кредит маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида Автомобиль йўллари қўмитаси ходимлари ва Транспорт назорати инспекциясининг инспекторларини Халқаро муҳандислар-консультантлар федерацияси (FIDIC) талаблари асосида малакасини ошириш.	Амалий чора-тадбирлар	Доимий	Транспорт вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
<b>II. Транспорт соҳасида ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва рақамлаштириш даражасини ошириш</b>				
9.	Йирик халқаро консалтинг компанияларни жалб қилган ҳолда, транспорт соҳасида кўрсатилаётган барча хизматларни аудитдан ўтказиш ва рақамлаштирилмаган бизнес жараёнларни аниқлаб, халқаро тажриба асосида транспорт соҳасини рақамлаштириш ягона концепциясини ишлаб чиқиш.	Амалий чора-тадбирлар	2024 йил июль	Транспорт вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, “Uzbekistan airports” АЖ, “Uzbekistan airways” АЖ, манфаатдор вазирлик ва идоралар
10.	Мобил алоқа операторлари билан биргаликда аҳолининг мобиллигини ошириш ҳамда транспорт турларини кенгайтириш мақсадида ҳудудлар бўйича аҳоли оқими тўғрисидаги маълумотларнинг (шахсга доир маълумотларни инобатга олмаган ҳолда) идоралараро	Амалий чора-тадбирлар	2024 йил март	Транспорт вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	электрон алмашинувини йўлга қўйиш.			
11.	Геоахборот тизими (GAT) технологиялари асосида транспорт ва йўл хўжалиги соҳасидаги инфратузилма объектларининг электрон ID-реестрини юритиш ҳамда геоахборот маълумотлар базасини босқичма-босқич ишлаб чиқиш.	Амалий чора-тадбирлар	2024 йил декабрь	Транспорт вазирлиги, Кадастр агентлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси
12.	Транспорт турлари ҳаракати ва автомобиль йўллари онлайн кузатиш имконига эга транспорт ситуацион марказини ташкил этиш.	Амалий чора-тадбирлар	2024 йил декабрь	Транспорт вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Божхона қўмитаси, Автомобиль йўллари қўмитаси
13.	Транспорт хизмати истеъмолчилари билан қайта алоқа ўрнатиш, транспорт соҳасидаги ислохотларни кенг жамоатчилик таклиф ва эътирозлари асосида амалга ошириш мақсадида “Менинг транспортим” мобил иловасини ишга тушириш.	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил декабрь	Транспорт вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
14.	Темир йўл инфратузилмаси, ҳаракат таркиби ва темир йўл объектларини электрон рўйхатдан ўтказиш ва ягона реестр тизимини босқичма-босқич ишлаб чиқиш. Бунда: биринчи босқичда умумий фойдаланишдаги темир йўллар; иккинчи босқичда вазирлик ва идораларга қарашли темир йўллар;	Амалий чора-тадбирлар	2025 йил декабрь	Транспорт вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	учинчи босқичда ўзининг темир йўллари ва ҳаракат таркибига эга юридик шахсларни мазкур тизимга киритиш.			
15.	Қирғизистон, Тожикистон, Озарбайжон ва Қозоғистон давлатлари билан автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташишга рухсатномаларни айирбошлашда “Е-Permit” ахборот тизимини жорий этиш.	Амалий чора-тадбирлар	2024 йил декабрь	Транспорт вазирлиги, Божхона қўмитаси, Рақамли технологиялар вазирлиги
16.	“Хавфли юк” ахборот тизимини ишлаб чиқиш.	Амалий чора-тадбирлар	2024 йил май	Транспорт вазирлиги, Божхона қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Рақамли технологиялар вазирлиги
17.	Республикада юк ташувлари ва логистика хизматларини рақамлаштириш орқали таъминот занжири иштирокчилари учун “Е-logistika” ахборот тизимини ишлаб чиқиш.	Амалий чора-тадбирлар	2024 йил август	Транспорт вазирлиги, Божхона қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги
18.	Шаҳарлараро-вилоятлараро автобусларга GPS қурилмаларини ўрнатиш орқали онлайн режимда ҳаракат жадвалларини кузатиш тизимини жорий этиш	Амалий чора-тадбирлар	2025 йил июнь	Транспорт вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
19.	Парвоз жадвалларини идоралараро электрон келишиш тизимини ишлаб чиқиш. Бунда, парвоз жадвалларини идоралараро келишишни рақамлаштириш орқали амалдаги ортиқча бюрократиядан воз кечилади.	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил октябрь	Транспорт вазирлиги, “Uzbekistan airports” АЖ

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
20.	<p>Йўловчи ва юклар тўғрисидаги дастлабки маълумотлар тизимини (API/PNR) ягона дарча тамойили асосида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг маълумотлар базаси билан интеграциялаштирган ҳолда хавфларни баҳолаш орқали давлат назоратини ташкил этиш платформасини жорий этиш. Бунда:</p> <p>лойиҳани давлат-хусусий шериклик шартлари асосида амалга ошириш имкониятини кўриб чиқиш;</p> <p>Рақамли транспорт марказини давлат шериги этиб белгилаш;</p> <p>API/PNR маълумотларни қабул қилишда ташувчиларга ҳар бир йўловчи ва юк учун йиғим белгилаш кўзда тутиш.</p>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2025 йил февраль	Транспорт вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Божхона қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги
21.	Темир йўл транспорти соҳасини 2023–2025 йилларда рақамлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш.	Комплекс чора-тадбирлар дастури	2023 йил август	Транспорт вазирлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, манфаатдор вазирлик ва идоралар
22.	<p>Темир йўл транспорти хизматларини кўрсатиш жараёнида “Ягона дарча” тизимини янада такомиллаштириш.</p> <p>Бунда, тизимнинг таҳлилий маълумотларини шакллантириш модулини яратиш.</p> <p>Қўшни давлатлар темир йўллари ахборот тизимлари билан электрон ташиш ҳужжатлари алмашинувини йўлга қўйиш.</p>	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил декабрь	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, Транспорт вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
23.	Темир йўл транспортида электрон чипталар сотиш тизимини такомиллаштириш. Бунда: имтиёзли йўловчилар (талабалар ва пенсионерлар)га электрон чипталар сотиш имкониятини яратиш; “Электрон ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси билан электрон чипталар сотиш тизимини интеграция қилиш.	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил сентябрь	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, Транспорт вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
24.	Темир йўл депоси фаолиятини тўлиқ рақамлаштиришни назарда тутувчи “Ақлли депо” ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил декабрь	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, Транспорт вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
25.	“Темир йўл навигацияси” йўловчи поездлар ҳаракатланишининг онлайн мониторинги ахборот тизимини яратиш.	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил ноябрь	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, Транспорт вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
26.	Темир йўл транспортида сунъий интеллектдан фойдаланган ҳолда меъёрдан ортиқ юк ортилган юк вагонларини аниқлаш ахборот тизимини яратиш.	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил август	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, Транспорт вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
27.	Поездларнинг бажарилган ҳаракати графигини тузиш ахборот тизимини жорий қилиш.	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил сентябрь	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, Транспорт вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар

**Транспорт вазирлигининг хусусий секторга ўтказиладиган функциялари  
РЎЙХАТИ**

<b>Т/р</b>	<b>Функция</b>	<b>Ваколатли орган</b>	<b>Функцияни хусусий секторга ўтказиш муддати</b>
<b>1.</b>	<b>Дарё транспортида кўрсатиладиган давлат хизматлари:</b>	Транспорт вазирлиги	2024 йил 1-чорак
1.1.	кемаларни дастлабки техник кўриқдан ўтказиш		
1.2.	кемаларни ҳар йиллик техник кўриқдан ўтказиш		
1.3.	кемаларни навбатдаги ва навбатдан ташқари техник кўриқдан ўтказиш.		
<b>2.</b>	Поездларнинг хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаш бўйича техник текширишни ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда уларга белгиланган тартибда мувофиқлик сертификатини бериш.	Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт назорати инспекцияси	2023 йил 3-чорак
<b>3.</b>	Йўл-қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ сертификатлаштириш ишларини амалга ошириш. Мавжуд автомобиль йўллар ва сунъий иншоотларнинг техник ҳолатини текшириш, уларни диагностика қилиш ҳамда фойдаланиш кўрсаткичларини баҳолаш. Шартнома асосида йўл қурилиши объектларида лаборатория синовларини ўтказиш.		2024 йил 1-чорак

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2023 йил 14 июндаги ПФ–94-сон Фармониغا  
7-илова

**Ўзбекистон Республикаси транзит салоҳиятини ривожлантириш бўйича  
идоралараро кенгаш аъзолари  
ТАРКИБИ**

- |                 |                                                                               |
|-----------------|-------------------------------------------------------------------------------|
| И.Р. Махкамов   | – транспорт вазири, <i>Идоралараро кенгаш раиси</i>                           |
| А.Ю. Мавлонов   | – Божхона қўмитаси раиси, <i>Идоралараро кенгаш раисининг ўринбосари</i>      |
| Д.Ш. Султанов   | – иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари                                       |
| Б.Н. Абидов     | – инвестициялар, саноат ва савдо вазири ўринбосари                            |
| Г.Г.Фазилов     | – ташқи ишлар вазири ўринбосари                                               |
| Б.Т. Абдуллаев  | – ички ишлар вазири ўринбосари                                                |
| С.Э. Хусанов    | – Давлат хавфсизлик хизмати раиси ўринбосари –<br>Чегара қўшинлари қўмондони  |
| Б.Т. Норқобилов | – Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш<br>қўмитаси раиси                 |
| И.К. Эргашев    | – Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги<br>директори                      |
| Б.Қ. Юсупалиев  | – Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат<br>саломатлиги қўмитаси раиси |
| Х.Н. Хасилов    | – “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви раиси в.б.                          |
| А.А. Муминов    | – транспорт вазири ўринбосари, <i>Идоралараро<br/>кенгаш котиби</i>           |

**Изоҳ.** Идоралараро Кенгаш аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахслар киритилади.

**Транспорт вазирлигининг ахборот тизимлари билан интеграция  
қилинадиган транспорт соҳасига оид идоравий ахборот тизимлари  
ва маълумотлар базасида мавжуд ҳамда давлат хизматларини кўрсатиш  
учун зарур бўлган ахборот ва маълумотлар  
РЎЙХАТИ**

Т/р	Маълумотни тақдим қилувчи идоралар	Маълумот номи
1.	Ички ишлар вазирлиги	<p>Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан рўйхатга олинган автотранспорт воситалари тўғрисидаги маълумотлар; техник кўриқдан ўтган автотранспорт воситалари тўғрисидаги маълумотлар; “Е-маъмурий иш” платформасидаги автомобилда юк ва йўловчилар ташишда аниқланган ҳуқуқбузарликлар ва уларга кўрилган чоралар тўғрисидаги маълумотлар; автотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқига эга бўлган шахслар тўғрисидаги маълумотлар; Республикада содир бўлган йўл-транспорт ҳодисалари ва қоидабузарликлар ҳақидаги маълумотлар.</p>
2.	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитаси	<p>Транспорт хизматлари билан шуғулланаётган жисмоний ва юридик шахслар тўғрисида ҳамда улар томонидан солиқ ва бошқа йиғимларнинг тўланиши тўғрисида, шунингдек, автотранспорт хизматлари экспорти тўғрисида маълумотлар; транспорт воситаларининг ижара шартномалари тўғрисида маълумотлар; агрегаторлар тизимини “Uztrans” тизимига интеграция қилган ҳолда йўловчиларни енгил автотранспорт воситаларида ташиш фаолиятида ўзини ўзи банд қилган шахслар тўғрисидаги маълумотлар (<i>рўйхат кўринишида</i>); миллий ташувчиларнинг электрон ҳисобварақ-фактураларига мувофиқ транспорт хизматларидан олинган даромадлар тўғрисидаги маълумотлар.</p>
3.	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги	<p>Транспорт хизматларини кўрсатувчи корхоналар ҳайдовчиларининг меҳнат стажи, амалдаги иш жойи тўғрисидаги маълумотлар.</p>

Т/р	Маълумотни тақдим қилувчи идоралар	Маълумот номи
4.	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси	Барча транспорт турларида юк ва йўловчиларни халқаро ташиш тўғрисидаги маълумотлар.
5.	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги	Транспорт инфратузилмалари ва объектларини ўз ичига олувчи Ягона геоахборот маълумотлари.
6.	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги	Барча транспорт воситаларида юк ва йўловчи ташиш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар; соҳада кўрсатилган хизматларнинг ҳажми, ялпи қўшилган қиймати ва соҳада кўрсатиладиган хизматларга оид бошқа маълумотлар; транспорт ( <i>ташиш ва сақлаш</i> ) соҳаси ва соҳага оид фуқаролик объектларини қуришда банд аҳоли сони ҳамда ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми; транспорт соҳасидаги истеъмол нархлари индекси ва шунга оид бошқа маълумотлар.
7.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Тиббий кўрикдан ўтган ҳайдовчилар тўғрисидаги маълумотлар.
8.	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги	“Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимининг йўллари лойиҳалаш ва қуришга оид маълумотлари.
9.	Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси	“Shaffof yo'l” тизими маълумотлари.
10.	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	Суғурталанган автотранспорт воситалари тўғрисидаги маълумотлар; транспорт корхоналарида фаолият юритаётган ходимлар ва ҳайдовчиларнинг суғурта маълумотлари.
11.	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ	Юк ва йўловчи ташишда мавжуд тизимлар маълумотлари.
12.	“Uzbekistan Airways” АЖ	Юк ва йўловчи ташишда мавжуд тизимлар маълумотлари.
13.	“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ	Барча мавжуд тизимлар маълумотлари.
14.	“Uzbekistan Airports” АЖ	Аэропортларда юк ва йўловчи ташишдаги маълумотлар; учиш, қўниш ва йўловчилар тўғрисидаги маълумотлар.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5490-сон Фармониغا 2-илованинг 24-позицияси чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиациясини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5584-сон Фармонининг 14-банди “а” кичик бандида:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ давлат хизматлари кўрсатишдан тушадиган йиғимлар суммаси”;

тўртинчи хатбошидаги “5” рақами “20” рақами билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–14-сон Фармонида:

а) 1-илованинг 7-бўлими қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

7. Транспорт вазирлиги				
	Транспорт вазирлиги	380	380	
	<i>шу жумладан вазир ўринбосарлари сони</i>	3	3	
1.	Автомобиль йўллари қўмитаси	334	334	
	<i>шу жумладан раис ўринбосарлари сони</i>	2	2	
2.	Фуқаро авиацияси агентлиги	61	61	
	<i>шу жумладан директор ўринбосарлари сони</i>	1	1	
3.	Транспорт назорати инспекцияси	348	348	
	<i>шу жумладан бошлиқ ўринбосарлари сони</i>	3	3	

”;

б) 2-иловада:

7.3-кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Транспорт назорати инспекцияси”;

7.4-кичик банди чиқариб ташлансин;

в) 2а-иловада:

7.3-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

7.3	Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт назорати инспекцияси	Транспорт назорати инспекцияси	Инспекция «Узтранснадзор»
-----	------------------------------------------------------------------------------------------------	-----------------------------------	------------------------------

”;

7.4-позицияси чиқариб ташлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–4143-сон қарорида:

а) 1-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 3-банднинг саккизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“вилоятлар ва Тошкент шаҳар транспорт бошқармалари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари – Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири томонидан вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади”;

в) 1–5-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 декабрдаги “Йўл соҳасини бошқариш тизимини янада такомиллаштиришга оид чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4545-сон қарорида:

а) 2-бандида:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбошидаги “Қўмита” сўзи “Транспорт вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

тўртинчи — еттинчи хатбошилари тегишинча учинчи — олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

б) 3-бандининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“республика ҳудудида (Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктлари бундан мустасно) автомобиль йўллари бўйлаб оғир вазнли ва/ёки йирик габаритли автотранспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун йиғимлар ундириш ва рухсатномалар бериш Қўмита томонидан амалга оширилади;”.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 апрелдаги “Тошкент шаҳридаги метрополитен ер усти линияси учун ҳаракатланувчи таркиб вагонларини харид қилиш” лойиҳасини амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Ф–5463-сон фармойишининг 3-банди учинчи хатбошисидаги “ЛИБОРнинг 6 ойлик ставкасига йилига 1,5 фоиз қўшилган ставкага тенг бўлган, шу жумладан банкнинг қайта молиялаштириш маржаси йилига 0,5 фоиз бўлган” сўзлари “йилига 1 (бир) фоизга тенг бўлган” сўзлари билан алмаштирилсин.

